O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 67 (9.411) 2000 йил 7 июнь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бугун** матбуотда «Экологик экспертиза тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган.

● Бир маромда ривожланишнинг муҳим омили — экологик хавфсизлик тизимини яратиш бугун жаҳон умумжамияти олдида турган долзарб муаммодир. Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция мана шу масалага бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида навбатдаги идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда республика Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи идораларида фуқаролар ва мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишда ҳамда юридик шахсларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллашда қонунга риоя этилишини текшириш натижаларига бағишланган масала кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош Гидромети ва Ўрта Осиё Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан Америка Халқаро тараққиёт агентлиги мададида Тошкентда иқлим исиб бориши масаласига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Миллий университет, Сув муаммолари институти ҳамда турли илмий марказлар ва идоралар вакиллари қатнашдилар.

● Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида шу йилнинг 10 июнь куни Тошкентда очиладиган «Осиё рамзи—2000» Халқаро модалар фестивали олдидан журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● **Бугун** Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Словакия Республикасининг элчихонаси билан ҳамкорликда Словакиянинг рассоми Душан Каллай кўргазмаси очилади.

● Тошкент Давлат юридик институтида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ташаббуси билан имконияти чекланган ногирон болалар ҳимоясига қаратилган учрашув-мулоқот бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлигида ғалла ўрим-йиғим мавсумини сифатли ва уюшқоқлик билан ўтказишга масъул барча ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

● Навоий вилоят ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда республика Адлия вазирлиги махсус гуруҳининг вилоятда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш борасидаги текширув якунига бағишланган йиғилиш бўлди.

● Наманганлик «кумуш тола» ижодкорлари 43550 қути Хитой ва Жанубий Кореядан олиб келинган ипак қуртини намунали парваришлаб, шартнома режасини муваффақиятли бажардилар.

● **Эртага** Алишер Навоий номидаги Катта театр саҳнасида Нант Миллий хореография марказининг машҳур балет труппаси ўз спектаклларини намойиш эта бошлайди.

● **Бугун** Тошкент денгизида байдарка ва каноэ бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати баҳслари бошланади. Мусобақада юртимизнинг 200 нафарга яқин спортчилари қатнашадилар.

### ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Москвага ташрифи давомида Россия Федерацияси президенти Владимир Путин билан ўндан ортиқ масалаларда ўзаро музокаралар ўтказди.

● **Кеча** Москвага Финляндия президенти Т. Халонен ташриф билан келди. Бугун у Россия президенти В. Путин билан учрашади.

● **Кеча** Бокуда еттинчи анъанавий нефть-газ кўргазмаси очилди.

● **Бугун** Саудия Арабистони ва Қувайт делегациялари ҳудудий баҳсли масала юзасидан музокара бошлайдилар.

● Санкт-Петербургда Норвегия — Россия ҳукуматлараро комиссияси иш бошлайди. Унда икки давлатнинг ядро энергетикаси хавфсизлиги борасидаги ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилади.

● Швеция ташқи ишлар вазири Анна Линд Москвада бўлиб ўтган Россия — АҚШ саммити якунларини ижобий баҳолади.

● Буюк Британияда ёғган узлуксиз ёмғир табиий офатга айланди. Ғарбий Йоркширда сув тошқини юз берди ва 500 дан ортиқ уй сув остида қолди.

● Грецияда 15 мингдан ортиқ хизматчи, шунингдек, 300 га яқин самолёт ва 65 ҳарбий кема иштирокида НАТОнинг ҳарбий машқлари бўлиб ўтмоқда.

● Кипр парламенти мамлакат ҳукумати томонидан тақдим қилинган нефть ва нефть маҳсулотлари нархини ошириш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан рад этди.

● Сан-Франциско шаҳри қамоқхонасида ҳибсда сақланаётган Украинанинг собиқ бош вазири Павел Лазаренко АҚШ маъмурлари томонидан фирибгарликда айбланмоқда. Хабарларга қараганда у, 1994-1998 йилларда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, ноқонуний равишда тахминан 114 миллион доллар ўзлаштирган ва АҚШ банклари ҳамда брокерлик муассасалари ҳисобига ўтказган.

● Маълумки, яқинда Люксембургнинг Вассербиллиг шаҳридаги болалар боғчаси тарбияланувчилари бир кундан ортиқ вақт мобайнида гаровда ушлаб турилган эди. Қутқарув операцияси чоғида гаровда ушлаб турган жиноятчи полициячилар томонидан отиб ўлдирилган.

● **Кеча** Японияда бундан бир неча ҳафта илгари вафот этган мамлакат Бош вазири К. Обути билан видолашув мотам маросими бўлиб ўтди.

● Июнь ойи охиригача Буюк Британиянинг 500 кишилик парашютчилар батальони Шимолий Ирландияни тарк этади. Буюк Британия ҳукумати шу ҳақда маълум қилди.



**Шаҳримиз кун сайин кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар, кенг ва равон кўчалар, замонавий кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Диққатингизга ҳавола этилаётган юқоридаги суратда шаҳримизнинг янги даҳаларидан бирида бунёд этилаётган кўп қаватли турар жой биносини кўриб турибсиз. Уни 2-уйсозлик қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуришмоқда.**

**Пастдаги суратларда Ғафур Ғулом ва Абдулла Қодирий кўчаларининг бугунги кўриниши тасвирланган.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**





## ЭРОНДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобларининг тақдимот маросими бўлди.

Тақдимот маросимида Теҳронда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ давлатлари бош департаменти ходимлари, Халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти раҳбарлари, Эрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда «Мустақилликда синалган» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Фильмдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Акромов И. А. Каримов асарларининг қисқача мазмуни хусусида тўхталиб, Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилиши жараёнини тасвирлаб берди. Шунингдек, давлат раҳбари томонидан минтақавий хавфсизлик, тинчлик, барқарорлик, мамлакатда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни сақлаш борасида амалга оширилаётган чоралар ҳақида сўзлади.

Озарбайжон Республикасининг Эрондаги элчиси А. Ҳасанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил Ўзбекистоннинг Ташқи иқтисодий йўналишини ривожлантириш, ўзбек халқининг миллий ва маданий қадриятларини тиклаш борасидаги ҳиссасини юқори баҳолашини таъкидлади.

— Илгари Ўзбекистонни иқтисодий муаммоларни ўзига хос услубда ҳал этаётгани учун танқид қилишарди, — деди икки йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатимизда дипломатик ваколатхонанинг раҳбари сифатида ишлаган, айни пайтда Япониянинг Эрондаги элчиси У. Могасаки. — Аммо Ўзбекистон Президентининг ўша пайтдаги иш услуби ҳаёт тақозосидан келиб чиққан эди. Ҳозир эса биз ана ўша ҳаракатларнинг самарасини кўрмоқдамиз, бунда эса шубҳасиз, Президентнинг ҳиссаси беқиёсдир, — таъкидлади элчи.

Жаноб У. Могасаки Ислом Каримовга ўз ҳурматини изҳор этиб, давлатимиз раҳбарига соғлиқ ва хотиржамлик, юртимизга эса фаровонлик тилади.

Тадбирнинг расмий қисми якунидан сўнг тақдимот маросими иштирокчилари Президент И. А. Каримов асарлари кўргазмаси, «Ўзбекистон — менинг Ватаним» болалар расмлари стенди билан танишдилар.

**«Жаҳон» АА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

## ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида:**

1. Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг ҳисоб-китоби алоҳида юритилади.

2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидаги экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловчилари бўлмиш кичик корхоналарга ҳам жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда амалдаги ҳисоб ва ҳисобот тизимини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг алоҳида ҳисоб-китоби юритилишини кўзда тутсинлар.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб умумий савдо-сотиқ ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — мулк солиғи ундирилмайди.

3. Ушбу Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга тадбиқ этилади.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага хом ашё маҳсулотлари — пахта толаси, ип-газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарига тадбиқ қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга бир ҳафта муддатда ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларининг қўлланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Экспорт қилувчи корхоналар учун айрим солиқ имтиёзлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

Ҳукуматнинг илгари қабул қилинган қарорларига тегишли ўзгартишлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ислом КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 5 июнь.

*«Оқшом»нинг «Ишонч телефони»*

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Газетамизнинг олдинги сонларида «Ишонч телефони» орқали ҳамшаҳарларимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни бериб бораётган эдик. Яна ана шундай билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳукмингизга ҳавола этаётирмиз.

— Турли ташкилотларга ҳисоботлар беришнинг камайганлиги ҳам анча ишимизда ижобий бурилиш ясади, — дейди «Мет-фур-сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкатжон Халилов. — Менимча, бу тадбиркорларнинг муаммолари барҳам топди дегани эмас. Буни тўғри тушуниш керак. Биз каби ҳозирда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлар хом ашё олишда анча қийналишмоқда. Бизлар иложи борича бозор талабларига муносиб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилмоқдамиз. Аммо, назаримда ҳали истеъмолчиларнинг талаблари тўлиғича қондирилаётгани йўқ.

Кези келганда айтиш жоизки, бугунги кунда биздек тадбиркорларга давлатимиз томонидан жуда катта имтиёзлар берилмоқда. Фақат ундан тўғри ва ўз ўрнида фойдалансанг бўлгани. Истаб қолардимки яқин кунларда хусусий тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари жаҳон бозорларида ўз харидорларига эга бўлади.

— Маълумки, хусусий савдо корхоналарида нархлар эркин қўйилади, — деди ўзини савдо корхонаси раҳбари деб таништирган фуқаро. — Шундай бўлсада ҳалигача харидорлар ва текширишга келганларнинг аксарияти бу тўғрида хабарлари йўқдек кўринади. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 604-қарорига асосан фонд орқали берилаётган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам қарорнинг биринчи банди бўйича эркин нарх қўйилиши мумкин. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, фонд ҳисобидан берилаётган ана шу маҳсулотлар (айниқса шакар, совун, ёғ кабилар) бундан 4-5 йил олдинги рўйхат бўйича берилаётир. Бу нотўғри. Чунки бу давр мобайнида аҳоли сонининг қанча ортишлиги ўзингизга маълумдир. Устига-устак фонд орқали берилаётган ушбу маҳсулотлар ёғ-мой комбинатлари ва бошқа ташкилотлардан югур-югурлар эвазига олинаётир. Натижада аҳоли ўртасида нотўғри фикрлар туғилмоқда. Юртдошларимиз олдида бизнинг ҳам юзимиз шувут бўлмасин дейман. Мутасаддилар бу тўғрида ҳам ўйлаб кўришса, ҳаммамизга фойдали бўларди.

**Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.**

*Саноат*

## ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Жаҳондаги йирик фирмалар илғор техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, ўзимизда ҳам жаҳон андозалари даражасидаги техникаларни яратиш давр талаби бўлиб қолди. «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида ҳам ана шу йўналишда режали асосда иш олиб борилмоқда.

— Асосий эътибор мавжуд техникани замонавийлаштиришга, машина ва механизмларнинг янги ва илғор турларини яратишга қаратилмоқда, — дейди корхонаңинг тижорат директори Григорий Коробко. — Шу мақсадда бир неча хорижий корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни техник назорат қилиш бошқармасининг тузилиши ҳам айни муддао бўлди. Биз маркетинг, сервис хизматидан ҳам кенг фойдаланмоқдамиз.

Инвестицион дастурни амалга ошириш мақсадида корхона ўтган 1999 йилда саккиз номдаги замонавий чет эл жиҳозларига ҳам эга бўлди.

2000-2001 йиллар давомида корхона янги техникаларнинг бир бутун туркумини ишлаб чиқаришга эришади. Бу эса четга чиқариладиган маҳсулот турларини кўпайтириш имконини беради. Шу иккимингинчи йилнинг ўзида 3350 минг доллар ҳажмига тенг бўлган экспорт моллари ишлаб чиқарилади.

Шу мақсадда маркетинг хизмати асосида «ТТЗ-60» ва «МТ-30» русумли янги тракторларни хорижга экспорт қилиш кўзда тутилди. Бу хил агрегатлар Мароккога ҳам юборилади.

Туркманистонда сервис-савдо марказини очиш тараддуди кўрилмоқда. Эроннинг Исфаҳон металлургия комбинати билан музокаралар олиб борилмоқда. Сурияда савдо уйининг ташкил этилиши эса тижорат ишларини янада жонлантириш учун қулай шароит яратиб беради. Жаҳон бозори талабларини ўрганиш, тракторларни сотиб олувчилар билан шартнома асосида ишлаш борасида яна қатор техник тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Тадбирлар*

## СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла қўмитаси ҳам болажонларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва уларнинг савиясини ошириш йўлида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ўз оталиғидаги 162-мактабда «Маҳалла, мактаб ва оила» мавзуида ушбу билим маскани ўқитувчилари ва ўқувчилари маҳалла фаоллари билан учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган сут ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли болалар боғчасига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Куни кеча маҳалла гузарида Соғлом авлод йилига бағишлаб ўтказилган тадбирга оталиқдаги мактаб жамоаси ва битирувчи синф ўқувчилари, боғча тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари бир пиёла чойга таклиф этилди. Маҳалла оқсоқоли Омонулла ҳожи Муталов дастурхон атрофига тўпланганларни қутлаб, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан тарбиялашда барча шарт-шароитларни яратиб бераётган Юртбошимизга ўз миннатдорчилигини билдирди.

— Болаларимизни эмизикли ёшидан бошлаб ўз вақтида эмлатиб туриш керак, — деди тадбирда сўз олган 24-оилавий шифохона бош шифокорининг ўринбосари Дилноза Исматуллаева. — Ана шундагина фарзандларимиз турли касалликларга чалинишлардан халос бўладилар. Бундан оналарнинг ҳам кўнгли тўқ бўлиб, ўз дилбандининг келажагига қайғурмай, хотиржам яшайдилар.

Шундан кейин тадбирнинг бадиий қисми бошланди. Унда жажжи болажонларимиз тарбиячилари ёрдамида тайёрлаб келган шеър ва қўшиқлар ижро этдилар ҳамда рақсга тушдилар. Шунингдек, Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ичакузди ҳангомалари, интермедиялари, дилрабо куй ва мумтоз ашулалари билан барчани хушнуд этишди. Тадбир сўнгида болакайларга музқаймоқлар ва турли нознеъматлар улашилди, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга ҳомийлар томонидан совғалар тарқатилди.

**Исмоил ЗОИРОВ.**

*Танишинг: олимпиадачиларимиз*

## ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙМАН



● **Евгений ЕРОФАЙЛОВ** — юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси. 70 килограммгача вазнда беллашади. 1975 йилда туғилган. Етти ёшидан бошлаб юнон-рум кураши билан шуғулланади. Ўзбекистон терма жамоаси таркибига ўтган йили кирган бўлсада қисқа муддат ичида ўзининг энг яхши сифатларини намойиш қилди. Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Қатор халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндори бўлган. Жумладан, 1997 йили Польшада ўтган йирик халқаро мусобақа ғолиби. Бу йил шаҳримизда олимпиадага саралаш турнири сифатида ўтган юнон-рум кураши бўйича Мустақиллик Кубоги баҳсларида кумуш нишонларни қўлга киритган. Бешта саралаш мусобақаларида қатнашиб Сидней Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берувчи очколарни жамғарган. Шулардан АҚШ, Ўзбекистон ва Мисрда ўтган учта мусобақада иккинчи ўринларни эгаллаган. Олимпиада ўйинларида илк бор қатнашмоқда.

— Мамлакат, жамоа, мураббий, қолаверса ўзинг учун олимпиада мусобақаларида қатнашиш катта шараф эканлигини яхши тушунаман, — дейди Евгений Ерофайлов. — Олимпиадага йўлланма олган барча спортчилар қатори менда ҳам ғалаба қозониш имконияти мавжуд ва бутун куч-маҳоратимни ишга солган ҳолда ушбу имкониятни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

*Транспорт*

# ИМКОНИЯТЛАР САФАРБАР ЭТИЛАДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилиб, шу соҳа истиқболлари учун катта миқдорда маблағлар сарфланмоқда.

Ўзбекистон темир йўлларининг бош бўғини ҳисобланган Тошкент бўлими фаолият доираси ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компаниясининг етакчи бўлимларидан бири сифатида бу тармоқ бундан 8 йил аввал тузилган эди.

— Ўтган шу қисқа давр биз учун юксалиш йиллари бўлди, — дейди етакчи мутахассис Зоир Рустамов. — Ҳар сафаргидек ўтган йилда ҳам юзимиз ёруғ бўлди. Юк ортиш ва туширишда ҳам, темир йўлни техник жиҳатдан янада мустаҳкамлашда ҳам, темир йўл транспортида янги бунёдкорлик ишларини олиб боришда ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шуниси қувонарлики, темир йўл компаниясига асосий даромад келтираётган юк ортиш ва тушириш ҳажмининг деярли 35 фоизи бўлимимиз зиммасига тўғри келмоқда. Иккинчиси, Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах, Сирдарё вилоятларига темир йўл хизмати кўрсатишда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқдамиз. Бундан ташқари 15 та корхона ва ташкилот, 60 дан ортиқ темир йўл бекати бизнинг тасарруфимизда. Бизга қарашли йўллар 700 километрлик масофани ташкил этади.

Ўзингизга яхши маълумки, темир йўл тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши катта имкониятларни очиб берди. Жумладан, темир йўлларни электрлаштиришга ҳам эътибор кучайди. Транспорт қурилиши янада жадаллашди.

Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, бу соҳаларда ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Чунончи, Тошкентдан Мароқанд темир йўл бекатигача бўлган масофада электровозлар қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда мазкур йўналишда электропоездларда йўловчилар ташиш тадбирлари ҳам кўрилди. Жиззах — Пахтаорол темир йўлига бериладиган йўналиш ҳам электрлаштирилади. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар аҳолига ҳар томонлама қулай ва арзон ҳамда атроф-муҳит тозалигини таъминловчи хизмат кўрсатиш имконини беради. Шу билан бирга поездлар тезлиги ортиб, қимматбаҳо дизель ёнилғиси тежалади. Бўлимда электровоз ва вагонларни харид қилиш, компания таркибидаги корхоналарни техник жиҳозлар билан таъминлаш режалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Бу эса темирйўл алоқа каналларида оптик толали линиялардан фойдаланишда ҳам қўл келади.

Мамлакатимизда темир йўл тизимини ислоҳ қилиш йўлида кўрилаётган бу сингари тадбирлар «Ўзтемирйўлйўловчи» корхонаси каби янги ишлаб чиқариш марказларини очишни ҳам тақозо этмоқда. Шу мақсадда бундай корхоналардан тўрттаси қурилади.

Европа ҳамжамиятининг ТАСИС дастури бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳам яқин йиллар ичида ўз ижобий самарасини беради. Айни вақтда «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш учун ҳам замин ҳозирланади. Тошкент бўлимининг халқаро нуфузи ортиб, у темир йўл занжирининг бўғинига айланади.

Жорий йилда бу соҳада режалаштирилган ишларнинг талайгинаси рўёбга чиқиши учун куч ва имкониятлар сафарбар этилади.

**Акбар АЛИЕВ.**





*Саноат*

# ДАСТУРХОНИМИЗ БЕЗАГИ

Мамлакатимиз аҳолиси дастурхонини ширин-шакар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга интилаётган «Туфин» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси жамоаси маҳсулот турларини кўпайтириш билан бирга унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

1997 йилдан буён пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу қўшма корхона цехлари Исроил ҳамда Германиядан келтирилган замонавий линиялар билан жиҳозлангани боис юксак самарадорлик ва сифатли маҳсулот тайёрлашга эришилмоқда. Шу кунга қадар корхона ишчи-хизматчиларининг сафи икки бараварга ортиб 550 нафарни ташкил этди. Ўтган йилда қўшимча 200 ишчи ўрни яратишга эришилди. Чунки корхонада яна иккита янги цех фойдаланишга топширилиб, маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Ўтган йилда ушбу меҳнат жамоаси томонидан ишлаб чиқарилган 650 миллион сўмлик маҳсулот республикамизнинг турли вилоятларида ҳамда пойтахтдаги савдо шохобчаларида харидорларга сотилди.

Аввалги йилларда ишлаб чиқаришдан тушган фойда ҳисобига яна иккита цех хориж дастгоҳлари билан жиҳозланиб, бу ерда зефир, сутли шоколад, мармелад ва карамель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қадоқлаш цехида эса бу маҳсулотлар харидор диди ва имконияти ҳисобга олинган ҳолда бежирим ҳамда чиройли қутиларга жойлаштирилади.

— Хом ашёнинг баъзиларини Исроилдан келтирамиз, шунингдек кўпроқ юртимизда ишлаб чиқарилаётган хом ашёдан фойдаланишга интиламиз, — дейди корхона раҳбари Эркин Мусаев. — Албатта, чиқараётган ҳар бир маҳсулотимизнинг сифати назоратда. Шу боис бўлса керак, харидорларимиз сафи ҳам, маҳсулот ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Энг муҳими, замонавий дастгоҳларда ишлаётган ходимларимизнинг сидқидилдан меҳнат қилаётганидир. Мана яқинда Исроилдан янги технология олиб келдик. Цехларимизни йил охи-




ригача яна кенгайтириб, аҳоли талабига, бозор эҳтиёжига қараб маҳсулотнинг янги-янги турларини ишлаб чиқаришга интиламиз. 2000 йилга 1100 та шартнома имзоладик. Мингинчи бўлиб биз билан шартнома тузган ташкилотга махсус совға ҳам топширдик.

Айниқса, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан буюртмачилар кўп. Шунингдек, пойтахтимизнинг энг кўзга кўринган, «Ардус» супермаркети ва бошқа савдо шохобчаларида «Туфин»нинг маҳсулотлари ўз харидорларини топмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз меҳнатидан манфаатдорлик корхона ишчиларини янада баракали ишлашга ундамоқда. Айниқса, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар, байрамларда ажратиладиган совғалар уларни мамнун этмоқда, иш унумининг ўсишига олиб келмоқда. Шу боис бўлса керак корхонада илғорлар жуда кўп. Улар ўз малака ва тажрибалари билан ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак бўлишади. Бу борада Дилбар Ҳошимова, Лиля Колодская, Аҳмад Ғуломов, Александра Бутовская, Александр Неклюдовларнинг номларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Корхона аҳли саховат кўрсатишда ҳам барчага ибрат бўларли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, Наврўз, Мустақиллик, Янги йил байрамларида, Қариялар ва Ногиронлар кунларида улар шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларига, мурувват даргоҳларига, қария ва ногиронларга, болаларга, кам таъминланган оилаларга ўзларининг бепул совғаларини ажратишмоқда.

— Президентимизнинг 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганлиги жамоамиз меҳнат аҳлини ҳам руҳлантириб юборди, — дейди Эркин Мусаев. — Чунки Ватанимиз тинч, халқимиз соғлом, болаларимиз бақувват бўлсагина, ишимизда ривож бўлади, дастурхонимизга тўкинлик ярашади. Шунинг учун ҳам корхонамиз ишчи-хизматчилари сифатли, мазали маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун жорий йилда ҳам бутун куч-ғайратларини ишга соладилар.

Жамоа аҳли жорий йилда кўплаб янги маҳсулотлар тайёрлаш ниятидалар. Ҳозирча шоколадлар тайёрлаш учун қолиплар, қадоқлашда ишлатиладиган қутилар Германия ҳамда Исроилдан келтирилмоқда. Вакуум формаларини тайёрлаш эса корхонанинг ўзида йўлга қўйилди. Келгусида эса қутиларни ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш, маҳсулотларни эса нафақат мамлакатимизда, балки хорижга сотиш режалари ҳам бор. Бунинг учун шериклар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда, мутахассислар ҳамиша интилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

**СУРАТЛАРДА: ишчилар Шаҳло Абдувоҳидова ва Умар Сатторовлар янги линияни бошқаришни тезда ўрганиб олишди; Шаҳноза Раҳмонова ёш бўлишига қарамай илғорлар сафидан ўрин олган, корхона маҳсулотларининг таъми оғизда қолади.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

*Бандлик*

# Ёшлар учун масъулмиз




Ҳамза тумани меҳнат органи мутасаддилари куни кеча ёшлар учун, уларнинг келажакда тўғри йўл танлаши учун «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасини ўтказишди.

Ярмаркада 50 дан зиёд корхона ўзларидаги мавжуд 1692 та бўш иш ўринларини тавсия этиб, иштирок этишди.

— Меҳнат органи ходимлари жуда кўплаб ёшларни вақтинчалик ва доимий иш билан банд этиш мақсадида бор имкониятларини ишга солаётирлар, —дейди биз билан суҳбатда «Чўлпон» маҳалласи оқсоқоли Дилбар Маматқулова. — Ўн уч йиллик иш фаолиятимда жуда кўплаб оилаларнинг ишсизлик туфайли салбий ҳолатларга тушиб қолганликларининг гувоҳи бўлганман. Шу боис меҳнат органи инспектори Турсуной Давронова маҳалламизда истиқомат қилувчи барча аҳоли билан яқиндан муносабатда бўлиб, уларга бафуржа маслаҳат ва ёрдамларини бериб бораётир. Маҳалламизда истиқомат қилаётган 6 минг аҳолининг жуда кам қисми иш билан банд эмас. Уларнинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биз ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ёшлар билан, айниқса эндигина мактабни, коллежни битирганлар билан алоҳида шуғулланиб, уларнинг ишлашлари ёки яна бошқа жойларда ўқишлари учун маслаҳатлар бераяпмиз. Бу борада ёшлар билан ишловчи мутасаддимиз Гулнора Каримова ва Ўктам Саидовлар ҳамда маҳалла посбонлари, сардорлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Маҳалла кўмаги билан ўтган вақт мобайнида 132 нафар ишга жойлашиш мақсадида мурожаат этган фуқаролардан 70 нафари ишга жойлаштирилди.

Ўтган беш ой мобайнида меҳнат органига 1719 нафар фуқаро мурожаат этган. 854 таси ишга, 160 таси ўқишга юборилди. Уларнинг айримлари уч ойлик курсларни битириб, ҳозир ишлашни давом эттиришмоқда.

— Йил бошидан бери 1556 та янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, уларга меҳнат органи томонидан 369 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, — дейди меҳнат органи раҳбари Вера Қодирова. — Бу янги иш ўринларининг ичида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантираётган тадбиркорлар ва «Усто-шогирд» услуби асосида меҳнат қилаётган усталаримиз ҳам бор. Улар туманимиздаги иш билан банд бўлмаган фуқароларга яқиндан ёрдам беришаётир. Айни вақтда бизнинг эътиборимиз кўпроқ ўрта мактабни битираётган ёшларимизга қаратилгандир. Чунки ёшлар ва уларнинг келажаги учун барчамиз масъулдирмиз. Бу йил туманимизда 1320 нафар 11-синфни, 455 нафар ўқувчи 9-синфни тугатиб, турли томонларга учирма бўлишади. Мана шу бир кунлик ярмаркада кўплаб ота-оналар махсус «Ўқув маркази»миз имконияти билан қизиқдилар ва фарзандларига қўшимча ҳунар ўргатиш мақсадида ўқишга йўлланмалар олишди.

**Гулзода МАМБЕТОВА.**

**СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасидан лавҳалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**



*Банкротлик*

# САБАБЛАР АНИҚЛАНИБ, ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Банкротлик ва санация» масалалари бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Ахборот-таҳлил гуруҳининг раҳбари Раҳимжон Розмуҳамедов олиб борди.

Унда комиссия аъзолари, туман ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича муовинлари, таклиф этилган ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар. Кун тартибида иқтисодий ночор корхоналарнинг 2000 йил биринчи чорак якуни бўйича аҳволи ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Ана шу масала юзасидан иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Абдулла Раҳматов ахборот берди.

Молиявий-иқтисодий аҳволи ночор бўлиб қолган, кредитор қарзлари ортиб бораётган корхоналарнинг раҳбарларидан ана шундай аҳволга тушиб қолишнинг сабаблари аниқланди. Жумладан, «ТОЭМЗ—І», «СХРУС —2» корхоналари, «Марказ», «Энергоимпекс» акционерлик жамиятлари, «Эльма» «Қурилишсаноатбутлаш» очиқ турдаги акционерлик жамиятлари, «Сувмаш» заводи, «Савдо нашриёти» республика савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа иқтисодий ночор корхоналарнинг аҳволи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлингач, уларнинг кўпчилигига муддати ўтган кредиторлик қарзларини бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилаётганини эътиборга олиниб биринчи ярим йиллик якунлари бўйича қайтадан комиссияда кўриб чиқилишига қарор қилинди ва уларга муҳлат берилди.

Шунингдек, «Мебелимпекс» ва «Қундуз» акционерлик жамиятлари раҳбарларининг кредеторлик қарзларини ярим йиллик якунлари бўйича бартараф этиш ҳақидаги ваъдалари инобатга олиниб, кейинги комиссияда тўлиқроқ кўриб чиқишга қарор қилинди. «Тошкент чинни заводи» акционерлик жамияти раҳбари баённомаси инобатга олиниб, корхонада 900 киши меҳнат қилиши, ер солиғи 40 миллион сўмни ташкил этганлиги сабабли ҳукумат комиссияси ва «Ўзенгилсаноат» ассоциациясига кейинги иш фаолияти ҳақида хат тайёрлаш топширилди. Комиссия қарорига кўра «Чевар» очиқ турдаги акционерлик жамияти белгиланган тартибда банкротликка тортилди, «Лесбумторг» акционерлик жамияти биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ўзгариш бўлмаса банкротликка тортилиши таъкидланди. «Андуслубпахта» илмий ишлаб чиқариш маркази бўйича эса Ҳукумат комиссиясига банкротлик тўғрисида таклиф киритишга қарор қилинди.

**(Ўз мухбиримиз).**

*Анжуманлар*

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — СОҒЛОМ АВЛОД ПОЙДЕВОРИ

Эркакни оиланинг посбонию аёлни хонадоннинг чароғбони деб бежизга айтишмайди. Чинакамига шундай бўлган хонадонларда, албатта, оилада шарқона садоқат, миллий урф-одатларимизга муҳаббат ҳукмрон бўлиши табиий. Бундай муқаддас гўшаларда эса юртимиз келажаги, миллатимиз фахри бўлган соғлом авлод вужудга келади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва шаҳар «Оила» маркази ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий анжуман ҳам ана шу мавзуга бағишланиб «Оилада шарқона садоқат, миллий урф-одатлар — соғлом авлод пойдевори» деб номланди.

Ушбу анжуманда олимлар, соғлиқни сақлаш тизими ва адлия бошқармаси ходимлари, туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, «Маънавият ва маърифат» бўлими вакиллари, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пункти директорлари, ФХДЁ бўлимлари ва халқ таълими бўлимлари ходимлари ҳамда «Қизлар клуби» раислари иштирок этдилар.

Анжуманни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова олиб борди. Иштирокчилар психология фанлари доктори, профессор Ботир Қодировнинг «Оилада шарқона муносабатларнинг фалсафий ва психологик асослари», фалсафа фанлари номзоди, доцент Дилдора Набиеванинг «Соғлом авлодни шакллантириш ва ривожлантиришда шарқона урф-одатлар таъсирини мақбуллаштириш», тиббиёт фанлари доктори, профессор Маҳмуда Каттахўжаеванинг «Соғлом авлод» Давлат дастурининг моҳияти ва уни амалга оширишда тиббиёт ходимларининг вазифалари», Тошкент Давлат педагогика университети профессори Омина Каримованинг «Соғлом авлодни ҳимоя қилиш асослари» ҳамда техника фанлари доктори, профессор Нодир Тўйчиевнинг «Соғлом авлод баркамоллигини таъминлашда «Келинлар институти»нинг аҳамияти» мавзусидаги маърузаларини қизиқиш билан тингладилар.

Маърузаларда бугунги долзарб вазифаларимиздан бири соғлом авлодни вужудга келтириш ва тарбиялашда оиладаги соғлом муҳитнинг таъсири, йигит-қизларни турмушга тайёрлашнинг аҳамияти,. шарқона урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизнинг ҳар бир оилада қадрланиши соғлом авлод пойдевори эканлиги, бола ва оналар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига берилаётган эътибор алоҳида таъкидланди. Барча иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди, фикр-мулоҳазалар, таклифлар инобатга олинди.

Анжуман сўнгида иштирокчилар томонидан тавсиялар қабул қилиниб, унда бу ерда кўтарилган долзарб масалалар ҳар бир оилага кириб бориши зарурлиги, бу албатта, соғлом авлод камол топишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

*«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

# СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**САВОЛ: Отамизнинг кўзлари ожиз бўлиб қолганлиги туфайли уларга биринчи гуруҳ ногиронлиги берилган. Айтингчи, отамни парвариш қилаётганим учун менга ҳам давлат томонидан имтиёзли нафақа тўланадими?**

ЖАВОБ: Афсуски, йўқ. Чунки фуқароларни «Пенсия билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда сиз айтаётган имтиёз кўрсатилмаган.

* * *

**САВОЛ: Фуқаро Тошкент шаҳрида прописка қилинмаган бўлса-да, аммо айни пайтда Тошкентда яшаётган бўлса, уни ишга қабул қилиш мумкинми?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига асосан прописка бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш мумкин эмас. Агарда корхона раҳбарияти Тошкентда пропискаси бўлмаган шахсни ишга қабул қилса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 223-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима тўлашга мажбур.

**Ойбек ИСОҚОВ, ҳуқуқшунос.**

*Саломатлик — туман бойлик*

*Мулоҳаза*

# ЯХШИ ТАРБИЯ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Инсон ҳаётининг зийнати, одам умрининг лаззати, яшашнинг мазмуни, ота-онанинг қувончи, ифтихори, дилбанди — фарзанд. Ота-онанинг фарзандга бўлган муҳаббати чексиздир. Ҳамма куч-қувватини, топган-тутганини, қалбини, меҳрини унга бағишлайди, емай едириб, киймай кийдириб фарзандини камолга етказади, қариганимда белимга қувват, билагимга куч, кўзимга нур, қалбимга сурур бўлармикан деб орзу қилади. Ота-она қалбидаги меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат ришталарини фарзанди қалбига пайванд қилгани учун, фарзанд ҳам шу саховатдан, оқибатдан озиқланиб ўсади, ҳаёт бўсағасига чиқиб олади.

Яшашдан мақсад фақат кун ўтказиш, қорин тўйдириш, яхши кийиниш, кўнгилхушлик қилиш эмас, инсон деган улуғ номни ҳар доим покиза сақлаш ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланишдан иборат. Фарзандларга тарбия бериш учун катталарнинг, ота-оналарнинг ўзлари яхши тарбия кўрган инсонлар бўлиши, муомала маданияти, кийиниш одоби, одамийлик, ростгўйлик, ҳалоллик, поклик, тўғрилик каби қатор хислатлар ҳам тарбия омили эканлигини унутмаслик лозим.

Тарбия сўзининг маъноси жуда ҳам чуқурдир. Тарбия деганда камтарлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, маданиятлилик, масъулиятлилик, қатъийлик каби виждонли инсонлар учун лозим бўлган хусусиятлар тушунилади. Одам боласининг қадр-қиммати, иззат-ҳурмати, обрў-эътибори, тутган ўрни, жамиятдаги мавқеи, унинг ўз касби бўйича қилган меҳнати, жамиятга етказган фойдаси билангина эмас, фарзандларига берган яхши тарбияси билан ҳам ўлчанади. Дунёда бола тарбиясидек мураккаб иш бўлмаса керак. Чунки тарбия ҳам завқли, ҳам шарафли, ҳам чекланмаган миқдорда меҳнат ва вақт талаб қиладиган иш.

Халқимизда иззат-ҳурмат, обрў-эътибор, сабр-қаноат, қадр каби тушунчалар табаррук саналади. Афсуски, ота-онасини менсимайдиган, уларни қариялар уйига элтиб ташлайдиган, вақти келса қўл кўтарадиган, ҳаттоки, уларнинг азиз жонига қасд қилиб қотиллик қилаётган нобакорлар ҳам учраб турибди. Яхшики орамизда «ота безори», «она безори» кимсалар оз. Балки, мўмин, меҳрибон, оқибатли, диёнатли яхши фарзандлар кўп бўлгани учун, улар отнинг қашқасидек кўзга яққол ташланиб қолаётгандир. Балки халқимиз «оқ падар»ларга жирканиб қараётгани учун уларнинг совуқ башараси кўзга яққол намоён бўлаётгандир? Катта ёшдаги кишилар ва биринчи навбатда ота ва она фарзандлар учун энг обрўли инсонлар ҳисобланмайдими? Фарзандларим деб туну кун меҳнат қилаётган мўътабар зотлар ҳурматга лойиқ эмасми? Ширинсўз, ғамхўр, меҳрибон, қобил, қобилиятли, инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган фарзандларни, замонамизнинг етук кишисини тарбиялаб етиштиришимиз учун нималарни назардан қочираяпмиз?

Оилада ёмон фарзанд туғилмайди, балки, ёмон оилада фарзанд туғилиши мумкин. Шу ёмон оиладаги ота-она ҳам фарзандларини ахлоқсиз, безори, товламачи, ўғри, муттаҳам бўлиб ўсишини истамайди. Хўш, фарзанд келажакда баркамол инсон бўлиб етишиши учун шу истакнинг ўзи кифоями? Албатта, кифоя эмас. Бунинг учун ота-онанинг ўзи ижобий хислатларга эга бўлиши лозим. Чунки ҳар қандай боланинг маълум ёшгача бўлган характери ота-оналарнинг характерига ўхшаган бўлади. Ёш болалар катталарга тақлид қилиб, дастлаб кўр-кўрона тарзда ҳаётдан ўз ўрнини топишга уринишади.

«Бола азиз, одоби ундан азиз», деган халқ нақлини ҳар бир ота-она яхши билади. Ота-оналик бахтини асраб-авайлаш, ота-оналик бурчини шараф билан адо этиш, фарзандни оёққа турғизиб ҳаёт оқимида мустаҳкам туришига эришиш ота-онадан катта масъулият талаб қилади. Ҳар бир ота-она фарзандларини ёшлигиданоқ катталарни ҳурмат қилишга, кишиларга нисбатан хушмуомала бўлишга, ҳаётда софдиллик ва самимийликка, ёлғон гапирмасликка, бошқаларни алдамасликка, оқибатли ва меҳр-мурувватли бўлишга, разил иллатлардан сақланишга, ҳасадгўй бўлмасликка, кийимларини озода сақлашга, ҳалол ва пок яшашга ўргатади. Меҳнаткаш оилаларда болалар ёшлигиданоқ рўзғор ишлари билан таништириб борилади. Тирикчилик эҳтиёжларини кўзи билан кўриб, унинг сир-асрорини ўрганган бола меҳнатнинг қадрига, пешона тери тўкиб топилган пулнинг қадрига етадиган бўлади. Ёш бола ҳар қадамда ота-онасининг суянчиқ ва ғамхўр эканини, уларнинг меҳрибонлигини, самимий ва беғубор қалб эгаси эканини сезсин.

...Қиш кунларининг бирида ишдан қайтаётиб қўшним Зуҳриддинни учратдим. Кун совуқ ва ерда қор йўқлигига қарамай тўрт ёшлардаги қизчасини йўнилмаган тахтадан қўполгина қилиб қўлда ясалган чанага ўтказиб, унга боғланган арқоннинг бир учини елкасидан ошириб олган ҳолда чана тортиб келар эди. Салом-аликдан кейин ундан сўрадим:

— Қуруқ ерда азоб чекиб чана тортиш сизга нима зарур?

— Азоб нимаси? Қизчам билан ҳордиқ чиқариш мазанинг ўзику.

— Чана учиринг деб ҳарҳаша қилдими?

— Йўқ, қизчам худа-беҳуда нарсаларни талаб қилаверадиган инжиқ қизлардан эмас.

— Унда бу саёҳатнинг боиси нимада?

— Фарзанд кичиклигида унга меҳр кўрсатилмаса, эсини таниб катта бўлгандан кейин меҳр талаб қилиб бўладими?

Қўшнимнинг жавобидан жуда мамнун бўлдим. Фарзанди улғайгач ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлишини ўйлаб совуқ демай, қор йўқ демай, унга вақтини ҳам, меҳнатини ҳам аямайдиган, кўзининг оқу қорасига қалб қўрини берадиган саховатли инсонларни кўрганда одамнинг дили яйраб кетар экан.

Бола ёшлигида ҳамма нарсага қизиқади, ҳамма нарсани билишни, идрок қилишни истайди. Ёш боланинг берган саволларига жавоб бермаслик, уни маҳмадоналикда айблаб силтаб ташлаш боланинг қалбини жароҳатлайди, кўнгил шишаси дарз кетади. Боланинг дилини оғритиш, камситиш, дўқ қилиш, ҳақоратлаш, унинг руҳий оламига, ҳамиятига, иззат-нафсига тегади.

Болалардаги ўжарлик, инжиқлик, ота-оналаридан кўнгил қолиши катталарнинг улардаги мустақилликка бўлган табиий интилишини эътиборга олмасликларидан ҳам вужудга келиши мумкин. Шунинг учун боланинг кўп нарсани ўзи шахсан бажаришига бўлган интилишини сусайтирмаслик, аксинча, уни қўллаб-қувватлаб, ёрдам бериб бориш лозим.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Турмушлари тотув бўлмаган оилада ўсган фарзандларга шу носоғлом муҳит албатта ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Ота-она назоратини, талабчанлигини сезмаган бола кўнгли тилаган иш билан шуғуллана бошлайди, кўчадаги ишёқмас, такасалтанг ва шафқатсиз безориларга қўшилади, бора-бора жиноят кўчасига кириб кетади.

Болалар ота-оналари ва ака, опаларининг кийим-кечаги, муомаласи, юриш-туриши ва феъл-атворини синчковлик билан кузатадилар. Турмушда дид билан кийиниш маданиятлилик белгиси. Болаларга дабдабали кийим кийиш билан кўпчилик орасида обрў қозониб бўлмаслигини, балки, бунга маданиятни севиш, хушмуомала бўлиш, меҳнатга меҳр қўйиш йўли билан эришиш мумкинлигини, кўпчилик қатори кийиниш камтарлик белгиси эканини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг яхши фазилатлари, одоби, ахлоқи, хулқ-атворлари, яхши гаплари ва ишлари, кўпчилик орасида ўзини тута билиши чинакам инсоний хислатлар эканини англатиш ота-онанинг шарафли бурчидир.

Баъзи инсонлар ҳақида гап кетганда «тагли-тахтли одамлар» деган ибора ишлатилади. «Тагли-тахтли одамлар» деганда унинг амали ёки топган мол-дунёси тушунилмайди, уларнинг ота-оналари, авлод-аждоди яхши инсонлар экани, шу одамларнинг иймони бутунлиги, ҳаром-хариштан ҳазар қилиши, ёлғон гапирмаслиги, омонатга хиёнат қилмаслиги, ҳалол луқма билан фарзанд ўстираётгани, гап-сўз, одоб, муомала ва юмушда фарзандларига шахсий ибрат кўрсатишлари, ўзаро муносабатда кишиларга нисбатан олижаноблиги, меҳрибонлиги, ширинсуханлиги тушунилади. Бундай оиладаги фарзандлар орзу қилгудай, замон руҳига мос инсонлар бўлиб етишади. «Олижаноблик, ширинсуханлик — инсон қалбининг ажойиб куйидир», — деган эди машҳур француз ёзувчиси Ромен Ролан.

Ривоят. Бир киши доим яратгандан Ҳизр алайҳиссаломни учратишини тилар экан. Иттифоқо, бир куни уйдан кўчага чиқаётганида Ҳизр алайҳиссалом учрабди. Уни таниган киши илтижо қилибди:

— Тақсир, менинг ҳақимга дуо қилинг.

Ҳизр алайҳиссалом қўл очиб унинг ҳақига дуо қилибдилар. У киши фарзандларини ҳузурига чорлаб яна илтимос қилибди:

— Тақсир, фарзандларим ҳақига ҳам дуо қилинг.

— Сиз бу фарзандларни ҳалол меҳнат қилиб, пешона терингизни тўкиб, ҳаром-хариш аралаштирмай тўғри тарбия қилдингиз, ҳаётингизни покизалик билан ўтказдингиз. Шунинг учун мен ҳам қўл очай, сиз дуо қилинг, сизнинг дуоингиз албатта ижобат бўлади.

Уч тоифа инсоннинг номаи-аъмоли уларнинг вафотидан кейин ҳам ёпилмас экан. Китоб ёзган шоир, ёзувчи ва элига нафи тегадиган янгилик яратган олимнинг, ҳарф ўргатган ва билим берган устознинг, мевали дарахт экиб унинг ҳосилидан элини, халқини баҳраманд қилган боғбоннинг. Бундай табаррук инсонларнинг яхши фарзандлари томонидан қилинган амру маъруф, хайр-садақа ва дуоларидан ҳосил бўлган савоблар уларнинг вафотидан кейин ҳам номаи аъмолларига ёзилиб турар экан.

Ота-оналар фарзандларининг феъл-атворини, қизиқишини, уларнинг руҳий дунёсини чуқур билган тақдирдагина оилада соғлом муҳит мавжуд бўлади. Фарзандига турли ваъдалар бериб уни бажармаслик, ёлғон сўзлаш, уриш, тан жазоси етказиш, сўкиш, жеркиш, ҳақоратлаш, камситиш фарзанднинг маълум даражада улардан кўнгли қолишига сабаб бўлади.

Одоб, ахлоқ, маданият, олижаноблик, ширинсуханлик, поклик ва яхши тарбия инсон учун зебу зийнатдир. Фарзандларимизнинг ҳар бирида озми-кўпми қобилият ва истеъдод мавжуд. Ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла жамоатчилиги узвий алоқада бўлиб асосий эътиборни шу қобилиятни ривожлантиришга ва уни тўғри йўлга солишга қаратишлари лозим. Ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан тўғри йўлга қўйилган тарбия фарзандларни келажакда маънавий жиҳатдан баркамол, омилкор ва ишбилармон инсонлар бўлиб камол топишига асосий омил бўлади.

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкентдаги 106-мактабнинг олий тоифали муаллими.**



# ЗАМОНАВИЙ УСУЛДА

Маълумки, юрак-қон томир ва асаб хасталигига чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида пойтахтимизда жойлашган 15-шаҳар шифохонаси негизида кардиология ва неврология маркази ташкил қилинган эди.

Аслида ушбу марказнинг фаолият бошлаганига эндигина бир йил бўлаяпти холос. Аммо шу қисқа фурсатда марказ замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди, энг муҳими бу ерда ўз касбини жондан ортиқ кўрувчи малакали шифокорлар ва ҳамширалар меҳнат қилишмоқда. Бу ерда ота-боболаримизнинг «Ширин сўз — жон озиғи» деган ҳикматли иборасига амал қилаётган шифокору ҳамширалар беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар, улардан ўз меҳрларини аямаяптилар.

Шуниси эътиборга лойиқки, ўтган йилнинг июнь ойида кардиология ва неврология марказида пуллик хизмат бўлимлари ташкил этилганидан кейин кўпгина муаммолар ўз ечимини топа бошлади. Аввалига шифокорларда хўжалик ҳисобидаги бу бўлимлар ўзини оқлармикан, деган хавотир ҳам пайдо бўлди. Аммо юқорида айтганимиздек энг ривожланган мамлакатлардан келтирилган замонавий тиббий аппаратлар ёрдамида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг иши анча енгиллашди. Бундан шифохонада даволанаётган беморлар ҳам сезиларли наф кўришди шекилли, натижада пуллик хизмат бўлимларида даволанишни хоҳловчилар сони ортиб кетди. 63 ёшли меҳнат фахрийси Валихўжа ота Бобохўжаев ҳикоя қилади:

— Кардиология ва неврология марказига иккинчи бор келишим. Тан олиш керак, бу ерда беморларнинг соғайиб кетишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, даволовчи врач Фахриддин Азимов ва бири-биридан чаққон, биз беморларга ниҳоятда меҳрибон ҳамшира қизларимнинг ширинсўзлигини айтмайсизми. Ҳа, мен шу ерда дардимга шифо топдим.

Бу каби миннатдорликка йўғрилган дил сўзларини Абдулҳай Тўйчиев, Рустам Мирдадаев, Лидия Ламанова каби беморлардан ҳам эшитдик.

Дарҳақиқат, мазкур тиббиёт масканида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бу ҳақда бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Азиз ака Иброҳимов шундай дейди:

— Ишонасизми, ҳозирда пуллик бўлимларимизда биронта бўш ўрин йўқ. Аксинча, ҳамшаҳарларимиз бу ерда даволаниш учун навбат кутишларига тўғри келяпти.

— Ушбу муваффақиятларнинг сири нимада? — сўраймиз бош шифокордан.

— Аввало, шифокорнинг қалби халатидек оқ, беморларга ғамхўр, асосийси ўз касбининг фидойиси бўлиши керак. Йўқса, шифокорнинг барча меҳнатлари зое кетади, ноёб дори-дармонларнинг нафи бўлмайди. Шукрки, шифохонамизда Фахриддин Азимов, Абдуғафур Маликов, Гавҳар Абдураупова, Нина Зиётова, Дилором Ширинова, Людмила Проскурина, Соня Фаритова каби 100 дан ортиқ ўз касбининг жонкуярлари меҳнат қилишади. Шулардан 16 нафари фан докторлари, 40 нафари эса тиббиёт фанлари номзодларидир. Марказимиз қошида фаолият кўрсатаётган Кардиология илмий текшириш институти директори, профессор Равшан Қурбонов, Малака ошириш институти неврология кафедраси мудири Бахтиёр Ғофуров, академик Абдуманнон Раҳимжоновлар тиббий хизматни намунали йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Шу боис жорий йилнинг беш ойи мобайнида пуллик хизмат бўлимларимиздан тушган 20 миллион сўм маблағни беморларга лозим бўлган дори-дармонларни, тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олиш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, шифохонани таъмирлаш каби мақсадларга ишлатяпмиз. Сирасини олганда 2005 йилда бизга мурожаат этадиган беморларнинг 80 фоизи хўжалик ҳисобидаги бўлимларимизда даволанишлари лозим. Шунинг учун ҳам яқин йиллар ичида марказимиздаги беморлар хоналари асосан бир ёки икки кишилик қилиб қурилиши кўзда тутилган. Шу кунларда марказимизнинг пуллик бўлимларидан 50 нафар бемор фойдаланаётган бўлса, 150 нафар бемор бюджет ҳисобидаги бўлимларда даволанишмоқда. Бундан ташқари 110 ўринли кундузги бўлимлар ҳам ҳамшаҳарларимиз хизматида.

Ҳа, азизлар, ҳақиқатан бош шифокорнинг сўзларида жон бор. Чунки узоқни кўзлаб, ислоҳотлар аниқ амалга оширилган ерда муваффақият бўлади. Ахир ота-боболаримиз «Қаловини топса қор ҳам ёнади», дея бежиз айтишмаган-ку.

Мақоламиз ниҳоясида биз ҳам шифохонадаги ижобий ўзгаришу янгиликлардан мамнун бўлганимизни таъкидлаб, марказдаги барча тиббиёт ходимларининг келгуси ишларида омад ёр бўлаверсин, деймиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**



**СУРАТЛАРДА: шифохона иш фаолиятидан лавҳалар: (юқорида) катта тиббиёт ҳамшираси Дилором Ширинова мулоқот пайтида; (пастда) неврология бўлимининг жонлантириш бўлинмаси мудири Фахриддин Азимов беморни кўздан кечирмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Акс садо*

# «ДАРДИНИ КИМГА АЙТСИН»

Ҳаёт бамисоли оқар дарё. Бу беш кунлик дунёда яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам яшаб ўтаверади.

Ушбу мақолани ўқиган ҳар қандай одамнинг ҳам қалби ларзага келади десам муболаға бўлмайди. Етимликда ўсиб, келинойисининг ўринсиз таъна-дашномларига дош бериб ҳаётда рўшнолик кўрмаган, 3 нафар ногирон фарзанднинг онаси Заҳрохоннинг аянчли тақдири ҳар қандай кишини ҳам чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Фарзандлар нега ногирон туғилди? Бунда ота-она ҳам айбдор эмасми?!. Чунки фарзандларининг майиб-мажруҳ ва ногирон бўлиб туғилиши авлод наслига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Баъзи ҳомиладор аёллар бошқоронғи бўлганларида кўнгиллари тансиқ нарсаларни тусаб қолади. Лекин эрининг ё қайнонанинг бепарволиги туфайли ўзлари хоҳлаган нарсани истеъмол қила олмайдилар. Мен айтмоқчиманки, турли дармондориларга бой ноз-неъматларни тановул қилмаслик оқибатида бола чала туғилиши мумкин. Заҳрохон бундан фарқли ўлароқ, бошқа нарсага, яъни поезднинг гудогига бошқоронғи бўлибди. Бироқ буни оиласидагилар билишмаган, ҳатто эри ҳам. Вақти келиб бундан хабардор бўлган турмуш ўртоғи гудок овозини магнитофонга ёзиб келади ва натижада Заҳрохоннинг тўртинчи фарзанди, яъни ўғли соғлом туғилади. Аммо ўғил туғилгунча Равшаннинг калтаклашлари, Мансур отанинг ўз келинини хўрлашлари унга катта зарар етказди. Аммо бизни бир нарса ўйлантиради: бу оиладаги кўнгилсизликлардан хабардор бўлган қўни-қўшнилар ва маҳалла фаоллари нега ҳеч қандай чора кўрмадилар? Болаларнинг ногирон туғилишида биргина Заҳрохон айбдормикин? Бунга жамоатчиликнинг ва мутасадди ташкилотларнинг ҳам айрим маънода айблари бор деб ўйлайман. Зеро, соғлом авлод учун барчамиз масъулмиз.

**Абдулла ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси.**

*Биласизми?*

◆ Инсон гапираётганда бир дақиқада ўрта ҳисобда 125-160 та сўзни айтиб юборади. Лекин шунча сўзни ўйлаб олиш учун 20 сония вақт кифоя қилади.

◆ Бир дона сигаретдаги кимёвий қувватни механик энергияга айлантирилса ҳосил бўлган куч кашандининг ўзини 9 метр баландликка кўтариб ташлайди.

◆ Қайнаётган сувнинг ҳар бир литрида 900 килограмм юкни 10 қаватга кўтара оладиган қувват бор.

◆ Кўз ўртача ҳисоблаганда бир дақиқада 120 марта ўз нуқтасини ўзгартириб туради.

◆ Бир ёшда боланинг ошқозон ҳажми 250 миллиметрдан иборат бўлиб, унга ортиқча озиқ-овқатни тиқиштиришга уриниш кони зарардир.

**Абдураҳим РАСУЛОВ,**
**24-мактабнинг биология ўқитувчиси.**

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмаса ҳам бирорта душман қиличидан захм ейиши муқаррардир. Иккинчиси ёш ва соҳибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни заҳарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга тама кўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилар ўлдириб кетмасада, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзо ва масхаралашга сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирлар қаторида тушиб, кўпгина душманни қиличдан ўтказдим деб, лоф урса-да, бирор жойида на тилиниш ва на захм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад риёзат чекаётганини мақтанган аммо семиз ва юзлари қип-қизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг илмлилиги ҳақида мақтаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўрқиб даҳшатга тушган киши!

● Уч киши доимо ғаму андуҳга гирифтордир. Биринчиси, учқур оти бору аммо уни минолмаган ва минишга қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонида хилма-хил лазиз таом бору аммо уни ейишнинг уддасидан чиқмаган иштаҳасиз киши. Учинчиси, соҳибжамол хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган эр!

**АБУ АҲМАД ИБН МУҲАММАД.**

● Келтиришларича, Абужаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фисқу фужур аҳли! Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нарса учун сени сотишдан тоймайди. Уларнинг бир қисми луқмапарастлардир. Уларнинг одати шуки, сендан бирон нарса тама қиладилар. Агар бермасанг оғзини мойламасанг халқ ичида ёмон гап тарқатади, обрўйингни туширади. Одамлар уларнинг гапига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар! — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси баҳил ва хасислардир. Агар сен бирор нарсага мухтож бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қачон бермайдилар. Сенинг молу давлатинг бор бўлса, уялмай ейдилар. Тугаса, душманингга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманимга айланишди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилардир. Кимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз яқинларингдан айириб қўядилар ва бегоналарга яқинлаштирадилар. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат аста-секин кишига таъсир этади, тўғри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа кишилар лақма, лаванг ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир.

Эй азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интил, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма! Сен юқоридаги ҳикоятни ўқидинг, унинг мағзини чақ, яхши дўстлар топишга урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

●Келтиришларича, Бани Исроил қавми орасида бир киши бўлиб, у дарё сафарига чиққан эди. Ногоҳ қаттиқ шамол қўзғалиб, кема қояга урилди ва кемадаги кишилар ғарқ бўлди. Ҳалиги киши эса кемадан ажралган бир дона тахтага илиниб, қирғоққа чиқишга муваффақ бўлди. У қирғоқда тўпланиб турган амир ва вазирлардан иборат бир тўда отлиқларни кўрди. Отлиқларнинг кўзи ҳалиги кишига тушиши биланоқ, барчаси отдан тушишди ва унинг устига шоҳона хилъатлар ташлашиб, иззату икром билан шаҳарга олиб келиб, салтанат тахтига миндиришди. Ҳалиги киши таажжубланиб ўзича: «Ё тавба, бу қанақа сир бўлди», дерди.

У бир неча кун дам олиб ўзини ростлаб олгач, хаёлга чўмиб деди: «Ўлим чангалидан қутулиб, салтанат тепасига чиқиб қолдим. Ҳарқалай тирик қолганимга шукр қилмоғим, бундан кейин аҳволим не кечишини ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўрмоғим зарур».

У шундай деб вазирлар орасида энг доно саналган вазирни йўқлатди. Уни ўз сирларидан хабардор қилди. Вазир ҳам уни мамлакат сирларидан воқиф қилиб деди:

— Бу халқнинг ҳар йилда тайин қилган бир куни бўлиб, ўша куни барчаси тўпланишади ва подшони тутиб олиб шаҳар четидан ўтувчи катта дарёга улоқтиришади. Эртасига эса узоқдан келаётган мусофирни тутиб олишиб, тахтга ўтказадилар. Унга эса бу сирни ошкора қилишмайди. Ҳар йили шу аҳволни такрорлайдилар!

Подшо деди:

— Эй вазир, ҳозир қўлимизда имконият борлигида бу балодан қутулишимиз даркор. Чорасини топ!

Вазир ўйланиб туриб деди:

Дарёнинг нариги бетида бир чангалзор бўлиб, доимо кўм-кўк бўлиб туради. У ерда ҳеч ким яшамайди. У ерга уста ва боғбонларни юборайлик, улар чиройли бинолар барпо қилишсин, атрофни боғ-роғга айлантиришсин. У ерга яхши матолар ва бойликларни юборамиз. Сузувчи ғуломлар ва кемасозларга эса кема ясатиб қўямиз. Сенинг подшоҳлик муҳлатинг тугашидан олдинроқ мен у ерга бораман. Кема ва сузувчиларни юбориб, сени қутқариб оламан!

Вазирнинг айтганлари тез орада амалга оширилди ва шаҳар бунёд этилди. Халқ подшони дарёга улоқтиришга аҳд қилган куни вазир подшони огоҳлантирди ва ўзи янги бунёд этилган шаҳарга етиб борди.

Эртасига халқ подшони тутиб дарёга улоқтирдилар. Вазир томонидан тайёрлаб қўйилган ғаввослар подшони тутиб олиб, кемага чиқардилар ва янги шаҳарга элтдилар. Подшо, вазир ва у ерга олиб борилган халқ осойишта ҳаёт кечира бошладилар.

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

